

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мавжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермапти;

иккинчидан, мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган;

учинчидан, мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қам-

раб олишни таъминлашга имкон бермапти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келмоқда;

тўртинчидан, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болалардан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди;

бешинчидан, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди;

олтинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермапти;

оқтинчидан, мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий солиқни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар бола-

ларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, шу жумладан, соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар самардорлигининг пасайишига олиб келмоқда;

Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз, деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида экспорт тартиқасида давлат-хусусий шериклик шартларида, шу жумладан, куйидагиларни назарда тутган ҳолда янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади:

замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган

давлат мактабгача таълим муассасаларини беғараз ажратиш;

инвесторларга мактабгача таълим муассасаларини, айниқса, шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;

инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабплигини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш механизмлари.

Давоми 2-бетда.

Шу йил 9 сентябрь кунин Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Аввал хабар қилинганидек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ, 2017 йилнинг 24 сентябрь кунин Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 1-“Ангрен”, 5-“Металлургия”, 11-“Саноатчилар”, 18-“Бўстон”, 27-“Келес”, 45-“Қумовул” ва 51-“Эски Тошкент” сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилди.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тегишли округ сайлов комиссиялари тузилди ва уларнинг таркиблари тасдиқланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти Кенгашиларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди ва тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилиб, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат берилди.

Вилоят сайлов комиссияси сайловни қонунчилик талабларига мувофиқ ҳолда ўтказиш мақсадида барча тегишли чораларни кўрмоқда. Шунга мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган ўринлар депутатлигига сайлов ўтказувчи сайлов участкалари тузилди ва участка сайлов комиссияларининг таркиби тегишли қарорлар билан тасдиқланди.

Вилоят сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти Кенгашиларига депутатликка номзодлар бўйича тақдим этилган маълумотларнинг атофотини ўрганиб чиқиб, номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда жойларда аҳоли билан мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказишди. Хусусан, “Облик”, “Тараққиёт”, “Боботос”, “Ешлик” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган учрашувлар давомида бугунги қайноқ ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳақ сўзининг қадри, имконияти ортб бораётгани аққол кўзга ташланди.

ОЧИҚ, ОШКОРА ВА САМИМИЙ

Ангрен шаҳрида ўтказилган семинар ҳақида ана шундай фикр билдириш мумкин

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад юртдошларимизда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқ манфаатларини ҳимоя қилишида тугган ўрни ва аҳамиятини тушунтиришдан иборат.

Мамлакатимизда фуқароларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланган, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгашига Ангрен шаҳридан сайланган депутат Зарифа Эралиева. – Конституция юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, фуқароларнинг яшаш шaroитларини яхшилашнинг асосий қафолати бўлиб хизмат қилмоқда, ҳаётимиздаги ижтимоий муносабатларни ечиб бермоқда. Шунингдек, ҳаётимиздаги ўз-ўзидан ишламайди. Уни ҳаётга татбиқ этишга масъул идоралар, шахсларнинг билимдон, ҳолис ва одиллиги қанчалик муҳим бўлса, халқнинг ҳам ана шу қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаши, уларни талаб қилиб, бажариб яшаш шунчалик аҳамиятлидир.

Шунингдек, мулоқотлар чоғида фуқароларимиз ўртасида мутолаа маданиятини янада ривожлантириш хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жо-

рий йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаргани таъкидланди.

“Облик”да ўтказилган мулоқотда фуқаролар ўзларини қийнаётган масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Хусусан, Ангрен шаҳри, Гулбоғ Эралиева, – Конституция юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, фуқароларнинг яшаш шaroитларини яхшилашнинг асосий қафолати бўлиб хизмат қилмоқда, ҳаётимиздаги ўз-ўзидан ишламайди. Уни ҳаётга татбиқ этишга масъул идоралар, шахсларнинг билимдон, ҳолис ва одиллиги қанчалик муҳим бўлса, халқнинг ҳам ана шу қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаши, уларни талаб қилиб, бажариб яшаш шунчалик аҳамиятлидир.

Шунингдек, мулоқотлар чоғида фуқароларимиз ўртасида мутолаа маданиятини янада ривожлантириш хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жо-

Фарход ТОЛИПОВ, “Тошкент ҳақиқати” мухбири.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

Вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев Хитой Халқ Республикасидан ташриф буюрган “Poly Technologies” компанияси президенти Ван Линь бошчилигидаги делегация вакиллари билан қабул қилди. Вилоят ҳокимлигида ўтказилган ўзаро суҳбат чоғида Ангрен шаҳри сановат ҳудудида жойлашган “Резина техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш” заводининг 2-босқичини қуриш ва ишга тушириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳамкорлик



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Учрашув чоғида мамлакатимизда истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш, хорижий инвесторлар ва бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қарантилаётгани таъкидланди. Томонлар мазкур лойиҳа Ўзбекистондаги шинга бўлган эҳтиёжни қондириши, бунёд этиладиган сановат объектининг юқори иқтисодий самарадорлиги, унинг маъёрий талабларга

мослиги нуқтаи назардан муҳим эканини инобатга олмақда. – Мазкур завод мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга, – дейди вилоят ҳокими. – Бу ерда жаҳон стандартларига мос, юқори сифат ва кенг асортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Энг муҳими, қандайдан қанча одамлар ишли бўлади, даромадлари кўпайди.

“Резина техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш” заводининг қуриш бўйича дирекцияси раҳбари А. Аминовнинг айтишича, хорижий инвесторлар заводнинг иккинчи босқичини фойдаланишга тайёр ҳолда топширишни ўз зиммасига олади. Қурилиш муддати 3 йил, деб белгиланган. Молиялаштириш Хитойнинг “Эксимбанк”и, Ўзбекистон тараққиёт ва тикланиш жамғармаси кредитлари ҳамда “Ўзкимё-сановат”нинг ўз маблағла-

ри ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур лойиҳанинг мақсади 1-босқичда енгил автомобиллар учун шиналар, 2-босқичда конвейер ленталар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун шиналар ишлаб чиқаришдир.

Конвейер лентаси ва шиналар сановат, қишлоқ хўжалиги, умуман, ҳаётин зарур маҳсулотлардан саналади. Улар ҳозирча хориждан олиб келинмоқда. Бу товарларни мамлакатимизда ишлаб чиқа-

риш импорт ўрнини тўлдирди, валюта маблағларини тежаш, шу билан бирга, экспортдан фойда топиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида энг кўп прицеп шинаси ва тракторнинг олди шинасига эҳтиёж сезилади. Корхонада тайёрланадиган 140 минг дона прицеп, 60 минг дона трактор шиналари деҳқон ва фермерлар ишига мадад бўлади. Ички бозорни таъминлашдан ташқари, йилига қарийб 60 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 213,97 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан иккинчи босқичга 78,55 миллион АҚШ доллари ажратилди. Асбоб-ускуналарни хитойлик ҳамкорлик этиши берилади. Натижанда, йилига 100 минг погонметр конвейер лентаси, 200 мингта қишлоқ хўжалиги техникаси шинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Учрашув якунида томонлар ўзаро ҳамкорликнинг янги имконият ва истиқболларини қизғин муҳокама қилишди.

Хушхабар ТўРСУНБОЕВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири.

Вилоят ҳаёти / Вилоят ҳаёти / Вилоят ҳаёти / Вилоят ҳаёти / Вилоят ҳаёти / Вилоят ҳаёти / Вилоят ҳаёти / Вилоят ҳаёти /

ЯНГИ МАЖМУА ХИЗМАТДА

Ғазалкент шаҳридаги “Марказий” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳудуд аҳолиси ва ёшлар учун қурилган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Камол Аширбоев ташаббуси билан барпо этилган мажмуада футбол майдончаси барпо этилиб, кенг кўламда қурилиш, таъмирлаш, қўқаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг дам олиши учун қулай шарт-шaroит яратилди. Шунингдек, бу ерда стол теннисини ишқибозлари учун махсус майдонча ҳам

ҳозирланмоқда. Мазкур ишнинг очилишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва барқарор инсонлар қилиб вояга етказишга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

МАҲАЛЛАСИ ОБОД ЮРТ


Қатрада кўёш акс этгани каби «Ватан ичра кичик Ватан», дея эъзоэланадиган маҳаллалар ободлиги юрт ободлигини ифода этади.

Ўрта Чирчиқ тумани Қайтмас қишлоғида маҳалла фуқаролар йиғини мазмурий биноси қурилиб, фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тантанада шу ҳақда сўз борди. – Бу бинонинг тамал тошини ажойиб инсон, таниқли шифокор Маҳкам Қаршибоев қўйган эди, –

дейди маҳалла раиси Дилбар Анорбоева. – Ота бошлаган эзгу ишни унинг фарзандлари давом эттириб, бино қурилиши тугалланди.

Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар.

Раҳмон МИРЗАҚУЛОВ.



Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

3. Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан бир-

ликда 2017 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мазкур амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда "Йўл харитаси" деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишига шахсан жавобгардир.

5. Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

6. Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин: мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқларни, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан инвентаризация қилиш ва таҳлил этиш;

мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишга, шу

жумладан, зарур инфратузилмани яратишга, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришга, педагогик кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини оширишга, шунингдек, мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга тўққинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш;

мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини қайта қўриб чиқиш;

мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибини, ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини танқидий ўрганиш;

мактабгача таълим муассасаларини ўқув-тарбиявий адабиётлар билан таъминлаш тизимини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш ҳамда сифат та-

лабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар етказиб беришнинг шаффоф ҳамда соддалаштирилган тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

7. Комиссия (А. Н. Арпоров): "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш давомида ушбу қарорнинг 6-банди билан юклатилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

"Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида умумлаштирилган ахборот киритилишини таъминласин.

8. Комиссияга юклатилган вазифаларни сифатли бажариш учун вазирликлар ва идоралар мутахассисларини, республиканинг илмий ва таълим муассасалари вакилларини, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг экспертларини белгиланган тартибда жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

9. Вазирликлар ва идоралар, Қорақал-

поғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Комиссияга юклатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмини белгилловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арпоров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига шарҳ

Мактабгача ёшдаги болага сингдирилган билим ва кадрларнинг унинг бутун келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли мактабгача таълим уйғун ривожланган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда республикада 4 893 та давлат мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб бораётган бўлиб, уларни молиялаштиришга фақат 2016 йилда Давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм ажратилган.

Ушбу соҳада соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга айрим тизимли камчиликлар тўққинлик қилмоқда.

Ўрганиш шунини кўрсатдики, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги тизими мавжуд муаммо-

ларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳани янада ривожлантириш учун инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермапти.

Мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг ҳозирги ҳолати болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермапти.

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг паст даражаси болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қўйиб қамраб олишга мутахассислар билан таъминлай олмайди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг озиқ-овқат, моддий таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар кузатилмоқда.

Шу муносабат билан, Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳоқи-

мияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Қарорда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизминини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва республиканинг вилоят марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди.

Давлат раҳбари томонидан ташаббус қилинган давлат-хусусий шериклик механизми замонавий ва ҳаммабоб мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни 50 йил муддатга бегараз ажратишни кўзда тутилади.

Инвесторлар ташкил этилаётган мактабгача таълим муассасаларида давлат таълим талабларига, санитария-гигиена ва бошқа нормаларга риоя қилиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб

қолиш, шунингдек, мактабгача таълим хизматини кўрсатиш нархининг мақбуллиги ва арзонлигини таъминлаш учун масъул бўлиши назарда тутилмоқда. Бунда инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар, шунингдек, имтиёзли кредитлар тақдим этилади.

Бинобарин, Тошкент шаҳридаги давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан тегишли талабларга жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат этилди.

Мазкур экспериментлар якунлари бўйича республиканинг бошқа ҳудудларида давлат-хусусий шериклик механизминини ва мактабгача таълим муассасаларида оққатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш масаласи қўриб чиқилиши назарда тутилмоқда.

Қарор билан ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада тако-

миллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссия томонидан мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан таҳлил этиш, шунингдек, мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали рўйбга чиқаришга тўққинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш ишлари амалга оширилади.

Бунда зарур инфратузилмани яратиш ва мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бир қаторда, сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талаблари, шу жумладан, мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қайта қўриб чиқилади.

Шунингдек, миллий маданият-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ҳамда жорий этиш ишлари ҳам замонавий талабларга мувофиқлаштирилади.

Қарорда ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишни соддалаштиришни ҳам ўз ичига олган ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Нодавлат мактабгача таълим тизимини кенгайтириш мақсадида Комиссияга мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тақомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг амалга оширилиши мамлакатда мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги bosқинга кўтариш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш имконини беради.

БЎШ КЕЛМА, ХУРШИД!

Юртбошимизнинг ёшларга қарата айтаётган ҳар бир гапи, ўринли кўрсатма ва таклифлари, билдирган ишончлари жуда кўплаб истеъдодли, изланувчан ўғил-қизларни янгидан-янги ютуқлар сари руҳлантираётди, десак адашмаймиз. Бугунги қаҳрамонимиз ҳам ана шундай интилувчан ёшлардан бири – оҳангаронлик 25 ёшли Хуршид Раҳматовдир.

Қишлоқ мулкдорлари



2013 йили Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида "Ғарбий Европа ва Урта Осиё қишлоқ хўжалигида экологик мувозанат" лойиҳаси доирасида тажриба ортирган Хуршиднинг яқинда яна учрати бўлди. У кейинги вақтда амалга оширган ишлари

ҳақида тўққинлабиб сўзлаб берди.

– Дунёда бизнинг мамлакатимиздагидек ёшларга муносиб эътибор қаратаётган давлат кам бўлса керак, – дея сўз бошлади қаҳрамонимиз. – Ота-она ҳам фермерлик соҳасида фаолият юритишадди. Бошқалар қатори улар ҳам илгари ўрғанаман, ишлайман, деган ёшлар учун мушароитлар, қўллаб-қувватлаш, зарур бўлса, имтиёзли банк кредити билан таъминлашга бугунгидек амалий ёрдам берилмаганини бот-бот тақдорлашди. Ўзимга келадиган бўлсам, болган сари барча ютуқлар қилити ўқиё-ўрганишда эканига амин бўлиб бораяман. Яқинда "Ойбулоқ супер биоланд" фермер хўжалигини ташкил этдик. Ғалла-сабзавотчилик йўналишида, 7,2 гектар сувли майдонда иш бошладик. Биринчи ҳосил – ғалла ўримиғинини муваффақиятли якунлаб, режани 120 фоизга уддаладик. Тажриба учун ҳамда ердан унумли фойдаланиш мақсадида ярим гектар соя эканмиз. Ҳозирда асосий эътиборни такрорий экинлар парваришига қаратиб, кузги картошка, бодринг, сабзи, яна 70 кунлик соя етиштиряпмиз. Бу навқирон йилдаги тур-

ли жабҳаларга ажабтовур иштиёқ кишида ҳайрат уйғотди.

Жорий йилдан Хуршид тижорат банкининг кредити эвазига қорамол харид қилиб, парваришламоқда. Дарвоқе, фермер хўжалиги ҳудудда балиқ боқишга мўлжалланган 12х100 метр ҳажми ҳовуз барпо қилиниб, суви чавоқ ташлашга ҳозирлаб қўйилди. Бир неча ойдан буён боқилаётган "Калифорния" зотли қуёнлар ҳозир 30 бошга етди. Бир учрашганимизда ҳар йили баҳордан курка жўжаси олиб, қишгача боқиб, ички бозорда сотаётганини айтганди. Ҳақиқатан ҳам, жониворлар учун рисоладагидек жой ҳозирланибди. Кенг далада 100 тача парранда озиқланиб юрибди. Жайдари қўйларни қўлайтириш борасида ҳам ишлар давом этаётган экан.

Оқини, Тошкент Давлат аграр университетининг "Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш" факультетида таҳсилни якунлаб, қизгин фаолият олиб бораётган фермернинг ишларига фақат ҳавас қилиш мумкин. Абдулвоҳид БОЙМУРОДОВ.

МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ, РАҒБАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият саройида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми якунларига бағишланган вилоят Форуми бўлиб ўтди.

Ҳисобот



Вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар вилоятимиз ҳудуддаги ёзги оромгоҳларда жорий йилда ўтган йилларда қўлланган янгича ёндашув тизимини янада такомиллаштирилгани, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар томонидан жойларда мавсум намунали тарзда, уюшқоқлик билан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилганини айтиб ўтди.

Хусусан, барча болалар дам олиш масканларида кутубхоналар, тўғарақлар, спорт секциялари фаолиятини йўлга қўйилди. Чет тўғарақлари ташкил этилди.

Истиқлолнинг 26 йиллигига бағишлаб, "Фидойинг бўлганмиз сени, Ўзбекистон!" шиори остидаги маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбати ҳамда учрашувлар, концерт дастурлари, акциялар фарзандларимиз тафаккур оламини бойлатишда айна мудоа бўлди.

Форумда оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастур уларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш билан бирга, ҳудудларда энг замонавий, ҳақон андозаларига мос янги масканлар барпо этилишига асос бўлгани қайд этилди. 2017 йили мавсум давомида вилоятда 181 та шаҳар ташқарисидида ва кундузги оромгоҳ фаолият

юритиб, уларда 34 минг 291 бола соғломлаштирилди. Шунингдек, вилоятдаги корхона, ташкилотлар қошидаги ўрта махсус касб-хуна қоллежлари ўқувчилари учун 10 та "Меҳнат ва дам олиш" оромгоҳларига мингга яқин ўқувчи жалб этилди.

Бу жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Оролбўйи минтақасидан 1 минг 250 нафар бола вилоятнинг сўлим ва баҳаво "Бойчечак", "Меҳржон" лагерларида соғломлаштирилди.

Форумда ёзги соғломлаштириш мавсуми якунларини сарҳисоб қилиш билан бирга, "Энг намунали болалар оромгоҳи" танловини ғолиблари эълон қилинди. Шунингдек, "Энг ғамхўр тарбиячи", "Энг фаол етакчи", "Энг моҳир тўғарақ раҳбари", "Энг яхши спорт мураббийи", "Энг ғамхўр ҳомий" сингари яна 14 та номинация бўйича 22 нафар мутахассис ҳамда ҳамкор идора ва ташкилотлар вакилларига махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
Тошкент ҳақиқати
мухбири,
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

Партиялар ҳаётинан

Бўстонлик туманидаги Абай номи 1-умумтаълим мактабида Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Турсуной Қазақова ташаббуси билан "Буюк соҳибқирон Амир Темур – адолат ва қудрат тимсоли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди вакиллари билан

БУЮК АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Соҳибқирон сиймоси ҳақидаги қизиқарли маърузалари тингланди.

– Буюк бобомиз Амир Темур ҳақида адабиёт, тарих дарсларида ўқиё-ўрганганимиз, – дейди ёшлар иттифоқи фаоли Акбар Йўлдо-

шев. – Бугунги суҳбатда темурийлар давридаги Шарқ ренессанси, деган иборанинг мазмунини, адолат билан бошқарилган давлат қудратли бўлишини чуқур аниқлаб етдик ва шундай ўтмишчи, келажак буюк юрт фарзан-

ди эканимиздан фахрийфихор туйғуларини ҳис этдик. Тадбир якунида туман ёшлар иттифоқи фаоллари ўқувчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди. С. ИКРОМОВА.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят сайлов комиссиясига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб

қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқлиги

вилоят сайлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 20, 22, 24, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Номзоднинг Ф.И.Ш.	Туғилган йили	Партиявийлиги	Эгаллаб турган лавозими	Яшаш манзили	Номзод этиб кўрсатган ташкилот
1-"Ангрен" сайлов округи					
Аминов Шухратжон Сидикович	1967 йил, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Ангрен "Резина техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш" заводи директори	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Бегматов Абдуқадир Одилматович	1968 йил, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Ангрен шаҳар "Ленд барака файз" хусусий фирмаси раҳбари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Исаков Алимардон Абдиғаҳарович	1976 йил, Тошкент вилояти	ЎзМТДП аъзоси	Оҳангарон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
Каримов Данияр Дилмуратович	1984 йил, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши раиси	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
5-"Металлург" сайлов округи					
Саттарова Рано Бўтаевна	1964 йил, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Бекобод шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош шифокори	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Турдиматов Закир Ярлақалович	1965 йил, Тошкент вилояти	ЎзМТДП аъзоси	Бекобод шаҳар техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежи мутахассислик фанлари ўқитувчиси	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
Турсунбаев Эркин Закирович	1971 йил, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Бекобод шаҳар саноат касб-хунар коллежи директори	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Файзуллаев Зафар Джорзуллаевич	1958 йил, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Бекобод шаҳар ҳоқими	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
11-"Саноатчилар" сайлов округи					
Дастиров Равшан Худойбергенович	1971 йил, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси в.б	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Рашитов Кахраман Батырович	1963 йил, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Чирчиқ шаҳар ҳоқими	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Сайлиев Руфат Жумавоевич	1984 йил, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани	ЎзМТДП аъзоси	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
Хуснутдинов Руслан Саматович	1970 йил, Фарғона вилояти, Кува шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	"Чирчиқмаш" акциядорлик жамияти маркетинг бўлими бошлиғи	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
18-"Бўстон" сайлов округи					
Ахмедов Аманкелди Закирович	1975 йил, Тошкент вилояти, Бўка тумани	ЎзЛиДеП аъзоси	Бўка қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи директори	Тошкент вилояти, Бўка тумани	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Исламов Зиявутдин Игнатович	1961 йил, Тошкент шаҳри	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Бўстонлик тумани "Sunny Breeze" масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент шаҳри	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Камилов Улуғбек Аскарлович	1961 йил, Тошкент шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти ҳоқимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи	Тошкент шаҳри	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Шамсиев Сирожиддин Зайнидинович	1979 йил, Тошкент вилояти	ЎзМТДП аъзоси	ОАТ "Савдогар банк" Бўка тумани филиали бошқарувчиси	Тошкент вилояти, Бўка тумани	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
27-"Келес" сайлов округи					
Закиров Ахмал Ахмаджанович	1981 йил, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри	ЎзМТДП аъзоси	"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти Тошкент филиали директори	Тошкент вилояти	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
Исроилов Фуркат Анваржонович	1984 йил, Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ЎзХДП аъзоси	Халқ демократик партияси депутатлик бирлашмаларининг ишлари мувофиқлаштириш ва жамоатчилик қабулхоналари билан ишлаш бўлим бошлиғи	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Мансурова Санобархон Аткамовна	1974 йил, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлиммаси раҳбари	Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Мустафақулов Янгибой Бўриқулович	1968 йил, Сурхондарё вилояти, Денов тумани	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Зангиота тумани кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
45-"Қумовул" сайлов округи					
Жўраев Тохир Сатторович	1965 йил, Тошкент вилояти, Бўка тумани	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Бўка тумани "Тоза ҳудуд" ДУК директори	Тошкент вилояти, Бўка тумани	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Нурматов Олимжон Раҳимжонович	1967 йил, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани	ЎзХДП аъзоси	Ўрта Чирчиқ тумани ҳоқими	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Олимова Феруза Каримжоновна	1971 йил, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани	ЎзМТДП аъзоси	Тошкент вилояти халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни жорий этиш бўлими бош методисти	Тошкент шаҳри, Сергели тумани	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
Усмонов Пулат Акрамович	1963 йил, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани	ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон "Ўзбек жанг санъати" федерацияси раиси	Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
51-"Эски Тошкент" сайлов округи					
Акрамов Алишер Холдорбаевич	1968 йил, Тошкент вилояти, Чиноз тумани	Ўз"Адолат" СДП аъзоси	Чиноз тумани "Чиноз Олмос Агро" фермер хўжалиги раҳбари	Тошкент вилояти, Чиноз тумани	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Иногамов Азиз Баходирович	1974 йил, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	"Пахта нефть базаси" унитар корхонаси директори	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Собиров Анвар Эргашевич	1971 йил, Тошкент вилояти, Чиноз тумани	ЎзХДП аъзоси	Чиноз тумани "Турсуной Охунова" фермерлар уюшмаси муқобил машина трактор парк раҳбари	Тошкент вилояти, Чиноз тумани	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Юлдашева Мухаббат Шавкатовна	1971 йил, Тошкент шаҳри	ЎзМТДП аъзоси	Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Тошкент вилояти ҳудудий филиали директори	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши

Вилоят сайлов комиссияси раиси
Нуррафшон шаҳри, 2017 йил 9 сентябрь

Ҳ. МУҲАМЕДОВ

Кўли гулдир
Ўзбек аёлин

Хуршида опанинг кайфияти аъло. Буни унинг кўш тафтида қизарган юзи-ю, қувончдан ёниб турган кўзлари айтиб турибди. Пойтахтда ўтказилган кўргазмада опанинг ишлари германиялик сайёҳларнинг эътиборини тортди. Улар Хуршида опа билан ҳамкорлик қиладиган бўлдилар.

САЙЁХ
ЭЪТИБОРИНИ
ТОРТГАН ГУЛДОН

Гипс қуқунидан турли бичим ва ҳажмдаги кўза-ю, гулдонларни ясашни йўлга қўйган Ўрта чирчиқлик Хуршида Қурбонова иш бошлаган кезларини эслаб, шундай дейди:

- Яхши фарзанд ота-онанинг бахти, иқболи. Бу фикр шу йил йигирмага кирган ўғлим Темур Малиқдан чиқди. Ишонмайсиз-а? Гапим рост. Амакисидан кўза ясаш сир-асрорларини ўрганиб, ўзи иш бошлади. Дадаси иккимиз шаштини қайтармай, уни қўладик. Натيجани эса, ўзингиз кўриб турибсиз.

Кенг ҳовлининг ўртасига терилган ярим тайёр гулдонлар кўш нурида тоблар экан. Бу ҳолга келгунга қадар эса аввал сувда ювилиб, кейин елимга ботириб олинаркан. Бу маҳсулотнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

- Одатда хунарманд ўз ишининг машаққати ҳақида ҳеч гапирмайди, - дейди Хуршида опа. - Биласизми нега? Негаки, у ўз кўли билан яратган мўъжизасига қараганда бари унут бўлади. Баъзида "бўлди, чарчадим", дейман ўзимга ўзим. Фурсат ўтиб ишга киришганимни билмай қолам.

Авал қолип ясаб, кейин унга гипс қуқунидан тайёрланган қоршича қуйилади. Чизиш, ранг беришга ҳам икки-уч кун кетади. Хуллас, битта кўза бир ҳафтада тайёр бўлади.

Тўрт киши билан 6 та қолипда иш бошлаган тадбиркор, бугун 76 турдаги маҳсулотни тайёрлапти. Ишчилар сафи ҳам кун сайин кенгаймоқда.

Опанинг шогирдлари ҳам талайгина. Аҳил жамоа кўнига 30 та, ҳафтасига 200 дан зиёд кўза ва гулдон ясайди. Тадбиркор келажакда сопол идишлар ишлаб чиқаришни, катта цех қуришни ният қилган. Хуршида опа бу йил тижорат банкининг Ўрта Чирчиқ бўлимидан 7 миллион сўм кредит олиб, маблагни бўйи 1 метрлик гулдонларни ясашга йўналтирди.

- Юртимизда тадбиркорлар учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган, - дейди у. - Хоҳиш-истак бўлса кифоя.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Чоршанба - ёнғинлар профилактикаси куни
101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилотимиз ҳудудда 4-10 сентябрь кунлари содир бўлган ёнғинлардан 23 таси аҳоли уйларига тўғри келди. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 9 таси электр симларининг қисқа туташуви, 6 таси болалар шўхлиги, 12 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Хафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси куни", деб белгилангани муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар тўғрисида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламада ўтказилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

Тошкент вилояти ҳоқимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссиясининг 2017 йил 8 сентябрдаги 34-сонли Баённомаси қарори билан: Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан, "DIYORBEK OQ TULPOR TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 001114 рақамли лицензиянинг амал қилиш мuddати 2017 йил 8 сентябрдан тугатилди.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба куни **"Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш"** ва **"Очiq эшиклар куни"** ўтказилади.

Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синов лабораторияси объектларини техник ўқридан ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўқариш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба куни соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент вилояти бўйича ДАҚН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "ВОС-ТОК" ИИЧБ ДУКга тегишли, 5. "КАМАЗ-53212" русумли, давлат рақами 01/324МАА бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси - 2 645 000 сўм;
2. "ГАЗ-5204" русумли, давлат рақами 01/340МАА бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси - 5 212 000 сўм;
3. "ЗИЛ КС 2561" русумли, давлат рақами 01/336МАА бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси - 42 151 000 сўм;
4. "КАВЗ-3271" русумли, давлат рақами 01/341МАА бўлган, 1991 йилда ишлаб

чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси - 4 142 000 сўм;
5. "КАМАЗ-53212" русумли, давлат рақами 01/233МАА бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси - 29 783 000 сўм.
Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартнома-сини тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 10 фоиз.
Аукцион савдоси 2017 йил 29 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 27 сентябрь куни соат 18.00 гача.
Савдодо иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов

ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таъинишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилот-чиси билан тузиладиган закалат келишувида белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Савдон филиалидаги қуйидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Аризалар қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорахамш кўчаси, 1-А уй. Телефон: (0-371) 228-79-52. Гувоҳнома № 001805.

Хазрат Алишер Навоий ҳақида жуда кўп ривоятлар эшитилган. Уларнинг бирида айтилишича, Навоий газалини хато айтиб, девор сувайтган устага сўз мулки суванни унутилмас сабоқ берди: теп-текис девор сиртини атай буза бошлайди. Навоийнинг кутилмаган ишига хайрон бўлган устага мутафаккир шонир: "Сиз ҳам бизнинг газалини шу қадар бузиб айтмоқдасиз. Бунинг қандай таъсир қилишини ўзингиз ҳам бир кўринг!" дейди.

Кейинги пайтларда аёл хонандаларнинг бундай "ўзлаштиришлари"га кўникдик чоғи, ҳеч ким индамай қўйди.

Фигонимизни фалакка чиқарган хонлар – ашула матни тушунилмасдан, кўпол равишда бу-

Маънавият

«МУСТАҲЗОД»НИНГ АРЗУ ДОДИ

ёхуд даво истаган бедаволар

Эҳтимол юқоридаги воқеа ўйлаб топилгандир. Лекин тарих ибрати, мантиғи шуки, моҳир уста-хунарманднинг меҳнат маҳсулини, чин ижодкорнинг гўзал меросини поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Куниб гап бошлашимизнинг боиси, яқинда нодавлат телеканалларда хонанда Манзура ҳамда Ирода Дилроз биргаликда куйлаган "Мустаҳзод" ашуласини тинглаб, томоша қилиб, хайрон қолдик. Чоқар қаламига мансуб "Мустаҳзод"ни юртимиздаги каттао кичик санъатсеварлар яхши билади, десак муболағга йўманг. Халқимиз мусиқий хазинасининг дурдонасига айланган ушбу ашулани бемалол бузиб айтётган ижрочиларга нахотки ҳаммамиз томошабин бўлиб қараб тураверамиз? Аввало, икки аёлнинг "Эй, шўхи паризод", "шаҳди лабинг этдим даво", деб турганлари галати. Адаво, бу ашула матни фақат эркак хонандалар ихросига мос.

зиб айтилгандир. Сўзимиз исботига Манзура ва Ирода Дилроз хонишидан мисол:

Хуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо, ай, шўхи паризод, Солди ани ишқим бошима кулфати савдо, қилгил манга фарёд. (?)

Ушбу байтнинг биринчи қаторида хусн гули жаҳон мулкида пайдо бўлган шўхи паризодга мурожаат этилган, тушунарли. Лекин кейинги сатрдан бирор маъно чиқадими? Биринчидан, "ани ишқим" эмас, "ани ишқи" бўлади. Иккинчидан, нега энди ишқ бошига савдо солган ошққа қараб фарёд қилиш керак: Солди ани ишқим бошима кулфати савдо, қилгил манга фарёд. Умуман тушунарсиз. Ушбу байт асл матндагидек ай-

тилсизгина маъно ойдинлашди: Солди ани ишқи бошима кулфати савдо, қилгил манга имдод.

Яъни, хуснинг гули жаҳон мулкида пайдо бўлди унинг ишқи бошига кулфат савдосини солди, менга имдод (мадад, ёрдам) қилгин, демоқда ошқ. "Фарёд" қилиш қаяқдаю, "имдод" қаяқда!

ҳам аслиятта хилоф: Сайди гами этди бу кўнгли мулкини вайрон ёндиргани жоним, Энди анга раҳм айлаб онинг дилбари барно қилгил анга (?) обод. Байтнинг илк сатрида бирор фикрни англаса бўлади, аммо иккинчи мисрада нима дейила-

ра ва Ирода Дилроз деярли бошдан охир хато айтишган. Лекин, санъатшунослар ҳам, адабиётшунослар ҳам негадир бепарво! Ахир, муҳтарам Президентлик қилиб бўлмаслигини бот-бот таъкидлаб ўтдилар-ку! Шундан кейин ҳам нахот жимгина яшаш мумкин бўлса!

Бизга қолса, кўҳна мусиқий меросимизни бузиб айтётганларни маънавиятимизга етказадиган зарари учун судга бериб, жуда катта миқдорда жаримага тортиш керак! Ана ўшанда ёш хонандалар устозлар меросига қўл ураётганда мутахассислар билан маслаҳатлашарди.

Эътиборингизга ҳавола қилинган шу биргина мисолдан ҳам кўриниб турибдики, асрлар давомида бизгача беэволат этиб келган миллий ашуларимизни куйламоқчи бўлганлар маҳсус Бадиий кенгашдан рухсат олиши, матн ва мусиқасини устозларга, албатта, кўрсатиши зарур. Агар шу каби ҳолатларга бугун эрчимас, деб бепарво қарасак, эртага маънавиятимизга тиклаб бўлмас даражада путур етади. Сўнги пушаймонимиз ўзимизга душман бўлиб қолмаслиги учун ҳозироқ ишга киришимиз шарт!

Шоира БОЗОРОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

МАНГУ ЖАСОРАТ ТИМСОЛЛАРИ

Яқинда пойтахтимиздаги "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуасида тарих фанлари доктори, профессор Раҳмон Фармонов ва Музаъямхон Фармоновларнинг "Тамаддун" нашриётида chop этилган "Амир Темури Кўрагон ва император Наполеон" асарининг тақдироти ўтказилди. Бир қарашда номланишининг ўзинёқ қалбингизга чўғ ташлаб қўяди, руҳлантиради. Ахир, инсоният тарихининг улуг сиймолари қаторида кўр тўкиб турган Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги ҳаққоний мулоҳазалар кимни тўлқинлантирамайди, дейсиз?!

Тақдимот

Тадбирда иштирок этган илм-фан даргалари, сиёсий, ҳуқуқий фанлар, тарих, адабиёт, тилшунослик, журналистика соҳасининг етуқ вакиллари эътибори эгтарланридек, бу анги рисола Амир Темури феноменига муносиб баҳо берилгани билан қимматлидир.

"Амир Темури номи Туроннинг мўғуллар истибодидан озод этилиши, Марказий Осиёнинг юраги бўлган Туронда марказлашган давлатнинг ташкил этилиши ҳамда теуририйлар давридаги Уйғониш (Ренессанс) билан чамбарчас боғлиқ, дейилади китоб сўзбоши-сида. – Шу билан бир қаторда 450 йилдан ортиқ ҳокимият тепасида турган теуририйлар сулоласи инсоният цивилизациясига Амир Темури, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улугбек, Хусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобури, Акбаршоҳ каби кўплаб буюқ сиймоларни етказиб берди".


Айниқса, Соҳибқирон бобомизнинг катта ерларни босқинчилардан озод этиш жараёнидаги ҳал қилувчи ҳаракатлари, "Европа халоскори", деган шарафли номга эришиш сабаблари ва бу тарихий галабадан сўнг "Ипак йўли", деб ном олган Шарқ ва Фарб ўртасидаги тарихий, маданий, иқтисодий, маънавий алоқани мустаҳкамлагани ҳақидаги қимматли маълумотлар китобонни ажодларимиз билан ифтихор этиш туйғуларига ошно қилади. Энг асосийси, собиқ шўролар давридаги турли айбловларни оқлаш, сабабларини тушунтириш мақсадида келтирилган асосли, қизиқари маълумотлар нафақат ватандошларимиз, балки Амир Темури шахси билан қизиқувчи дунё олимларига ҳам му-

носиб жавоб бўла олади. Китобда нафақат Шарқ ва Фарб, балки бутун инсоният тарихидаги улуг сиймолар – Соҳибқирон Амир Темури ва Наполеон Банопарт шахси қисла-нади. "Хўш, нима учун Наполеон Банопарт? Ахир улар орасида оз эмас, кўп эмас 430 йиллик вақт, давр борку?!" деган саволга асарни ўқиб чиққан ҳар бир китобон тўла-тўқис жавоб олиши мумкин.

Эзма манбаларда Амир Темури ва Наполеон Банопартни асосан ҳарбий саркарда сифатида эътироф этишади. Ҳолбуки, улар замонавий давлат куриб, қанчадан-қанча бунёдкорлик ишларини амалга оширганлар. Амир Темури бу соҳада ўз "Тузук"ларини мерос қилиб қолдирган бўлса, Наполеон "Фуқаролик кодекс"ни яратди.

Ҳақиқатан ҳам, "Амир Темури Кўрагон ва император Наполеон" монографияси муаллифлари таъкидлаганларидек, Амир Темури ва теуририйлар давридан мерос бўлиб келаётган меъморчилик намуналари, тарихий обидалар, қадимжолар, илмий ва маънавий мерос дунё ахлини ҳали ҳамон ҳайратга солиб келмоқда...

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Спорт хабарлари

ФАЗЛИДДИН ҚАЧОН РИНГГА ЧИҚАДИ?

Бекободлик Олимпиада чемпиони Фазлиддин Ғоибназаров профессионал боксдаги галабалари билан ҳам муҳлису мутахассисларни хушнуд этиб келмоқда.

Катта рингда кетма-кет икки мартаба галаба қозонган вилоятимиз боксчиси учинчи жангини 22 сентябрь куни АҚШда ташкил этиладиган профессионал бокс кечаси доирасида мексикалик Виктор Росасга қарши ўтказадиган бўлди.



Маурасни мағлубиятга уратди.

Маълумки, Фазлиддин ҳаваскор боксчи сифатида юксак натижа қайд этиб, 2015 йилда Таиланддаги Осиё биринчилиги ва Қатардаги жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритган эди. 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги ёзги Олимпия ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Фазлиддин Ғоибназаров халқаро майдондаги юксак натижалари, мамлакатимиз шуҳратини оширишга қўшган ҳиссаси учун "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланган.

У спорт оламининг энг нуфузли мусобақаларида голиб ва совриндор бўлгач, ўз кучини профессионал боксчилар ўртасида синаб кўришга қарор қилди. Ҳамюртимиз дастлабки икки жангда америкалик Виктор Васкес ва Агустин

Фазлиддиннинг навбатдаги рақибни – 29 ёшли Виктор Росас эса тўққизта учрашувда зафар қучган ва олти мартаба енгилган. Ушбу беллашув саккиз раундлик рейтинг жанги бўлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Тадбиркорлик

– Кейинги пайтларда хотин-қизларимиз миллий матоларимиздан тикилган либосларни кийишни афзал кўришмоқда. Бу уларнинг ҳуснига-хусн қўшаётганини айтиш. Миллий либосда янада гўзал, латофатли кўринадилар-да. Ишонсангиз, мен шундан илҳомланаман. Янги-янги либослар яратгим, ижодимга янгилик киритгим келади.

ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

Бу чирчиқлик тадбиркор Мохичеҳра Бардинованинг гапи. У 15 йилдан буён тикувчилик қилади. Ўтган вақт мобайнида изланди, ўз устида тинимсиз ишлади. Миллий бош кийимимиз – дўппининг хилма-хиллигини тикишни йўлга қўйди. Бугун тадбиркор яратётган либослар ва миллийликми эмас акс этган рўзгор жиҳозлари қўлма-қўл, десак айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Айниқса, янги

ҳаёт остонасидаги қизларнинг келинлик сарполарини тикириш учун навбат пойлашлари ҳам бор гап.

– Давр шиддат билан ўзгарапти, бу биздан изланишни, яъни аёлларимизга эҳадиган усул ва услубда ишлашни талаб этади, – дейди чевар. – Чунки, улар миллийликни замонавийлик билан уйғунлаштиришни истадилар. Бундай либослар эса маҳорат ва меҳнат



маҳсули бўлади. Қолаверса, улар рақобатбардошликни таъминлайди.

М. Бардинова ўзининг бой тажрибасини шоғирдлари Васила Раҳимова ҳамда Камола Йўлдошевага ўргатмоқда. Улар орасида қизи Мавжуда ҳам бор.

– Онам билан фахрланаман, – дейди Мавжуда. – Ҳамма ҳам тикувчи бўла олмайди. Сабр-тоқати кучлиларгина бу ишнинг уддасидан чиқадилар.

Дарвоқе, тадбиркор бу йил "Ташаббус" кўрик-танловининг шаҳар босқичида совринли ўринни қўлга киритди.

"Мухими, – иштирок бу тажриба алмашиш, малака ошириш имконини берди. Насиб қилса, албатта, республика босқичига чиқаман", – дейди Мохичеҳра Бардинова.

Ирода НОРБОВА, Мансури НАХАЛЛОВ олган сурат.

Маърифий кеча


Олмалиқ шаҳри "Дўстлик" маҳалласи раиси Ҳадича Очилова ўз худудидаги барча тўйларга бош-қош. Ортиқча дабдабозлик, сарф-харажатларни қамайтириш учун жон куйдиради.



"Bugatti" каби компаниялар ўзларининг катта тезликка эга маҳсулотлари билан ном қозонган.

Гиперкар – манзилга тез етказар

Бирок, Япониянинг унчалик машҳур бўлмаган "Aspark" компанияси тезкор гиперкар яратиш борасида таниқли брендларга ҳам "нон" бермай қўйди.



Кунчиқар юртда ишланган "Owl" гиперкари икки сонияда соатига 100 километр тезликка чиқа оладиган дунёдаги ягона

ИХЧАМ ТЎЙГА НИМА ЕТСИН?

Яқинда "Соғлом муҳит – фаровон ҳаёт" демакдир" шiori остида ўтказилган тадбирда ҳам тўй-маросимларни ихчамлаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. Унда "Қайноналар кенгаши", "Соғлом бувиқон", "Ораста қизлар" гуруҳлари аъзолари, маҳалла фаоллари, ота-оналар қатнашди.

Сўзга чиққанлар ҳозирги тўйларнинг ютуқлари ва камчиқлари ҳақида фикр юритиб, ортиқча дах-

мазаларга чек қўйиш кераклигини айтишди. Совчилик мавзусидаги саҳна кўринишларида ибратли мулоҳазалар айтилди. "Олтин наволар" фольклор жамоасининг чиқиши тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Маҳалламизда сентябрь ойининг ўзида 6 та тўй ўтказилди, – дейди "Қайноналар кенгаши" раиси Ўғиллой Бегматов. – Йил охирига қадар эса яна 20 нафар жуфтликнинг висол оқшомлари бўла-

ди. Уларни қандай ўтказиш, тартибга келтириш ва назоратга олиш бўйича фикрлашиб олдик.

Тадбир доирасида онахонлар қизлар билан бир сафда 200 метрга югуришгани жуда ҳам ажойиб бўлди. Онахонлар шу баҳона ёшликка қайтгандек бўлишди. Спорт мусобақаси кўпчиликка хурсандчилик улашди.

Хуришда МҲМИНОВА, Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 13 сентябрь куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, ёгингарчилик бўлмайди. Шамол Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 11-13, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, ёгингарчилик бўлмайди. Шамол Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Марсга ўн кунда борилади

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Хитойда физика қонунларига бўйсунмайдиган двигател яратилгани ҳақида бонг урмоқда.



телини яратишган ва уни қўллаш орқали инсонлар Марсгача 10 кунда етиб олиш имконига эга бўлиши мумкин экан.

"EmDrive" микротўлқинларни генерация қилувчи магнетрон ва уларнинг тебранишлари энергиясини жамловчи

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</p>	<p>Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p> <p>Электрон почта: thaqiqat@gmail.uz</p>	<p>Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:</p> <p>233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бонқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ Назоратчи мусоҳиҳ Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАХМУДУҲЎЖАЕВ</p>
---	---	---	--	--	--